www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 3-may № 55 (2936) seshanba

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Бу юртда ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-қудрати, қадди-қомати билан, баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшаши керак.

Ислом КАРИМОВ

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 2011 йил 5-6 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Наманганда кўришгунча хайр, «Баркамол авлод»!

Термиз шаҳрида «Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларининг финал босқичи якунланди

...Байрамона безатилган «Сурхон» спорт мажмуи стадионида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2011» республика спорт мусобақаларининг машъаласи порлаб турибди. Майдонни тўлдирган ёш спортчи ва артистлар мазкур спорт форумига бағишланган вокал-хореографик композицияни ижро этмоқда.

«Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими бошланди. Майдонга мусобақада иштирок этган Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар терма жамоалари вакиллари кириб келади.

Энг ҳаяжонли дақиқалар — ғолибларни тақдирлаш маросими бошланди.

Мусобақада энг кўп медал жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри терма жамоаси энг қадрли, энг юксак соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Сурхондарё ва учинчи поғонадан жой олган Хоразм вилоятлари жамоаларига Президент совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди.

Мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишини намоён этган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи-ўқувчилар махсус совринларга сазовор бўлди.

— Спорт, дўстлик ва баркамоллик байрами — «Баркамол авлод — 2011» беллашувлари юқори натижалар, рекордлар ва унутилмас воқеаларга бой бўлди, — дейди олтин медал соҳиби, пойтахтлик курашчи Шаҳбоз Саидмуродов. — Ушбу мусобақалар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида спорт изчил ривожланиб бораётганини кўрсатди. Бу — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг барча соҳаларда, жумладан, спортда ҳам ўз истеъдодини кенг намойиш этиши учун улкан имкониятлар яратилаётганининг юксак самарасидир. Бу келажакда халқаро миқёсдаги нуфузли спорт анжуманларида ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олишимизга ишонч уйғотади.

(Давоми 4-бетда)

Эркинлик ва масъулият муштараклиги

«Туркистон» саройида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни оммага очиқ ва холис тарзда етказиш — бугунги давр тақозоси.

Мустақиллик йилларида миллий журналистика сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибордан мақсад ҳам халқнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашни таъминлашдир. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда она юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жиҳатлар 2 май куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун эълон қилинган халқаро танлов ғолибларини тақдирлашга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда яна бир бор ўз ифодасини топди. Тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, депутатлар, сенаторлар, фахрий журналистлар, олий таълим муассасаларининг журналистика факултети профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

(Давоми 4-бетда)

Ҳуқуқий муҳофаза

Касаба уюшмалари ҳимоя қилади

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳуқуқий ҳимоянинг муҳим кўриниши бўлиб, бунга эришиш учун касаба уюшма ташкилотларидан жиддий масъулият талаб қилинади.

2011 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашига жами 265 та ариза, таклиф ва шикоят кўринишидаги мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг 83 таси ёзма ва 182 таси оғзаки мурожаатлар бўлиб, ўтган йилга нисбатан ёзма мурожаатлар 31 тага, оғзаки мурожаатлар 21 тага ортган.

Мурожаатлар Федерация кенгаши раёсати томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш Тартиби» бўйича олиб борилди. Аксарият фуқароларнинг мурожаатлари белгиланган муддатда кўриб чиқилишига эришилди. Қўшимча ўрганишни талаб этадиган 1 та мурожаат эса муаллифга маълум қилган ҳолда узайтирилган муддатларда кўриб чиқилди.

Федерация кенгашига йўналтирилган, лекин мазмуни юзасидан касаба уюшмалари ваколатига кирмайдиган масалалар акс эттирилган 1 та мурожаат муаллифи хабардор қилинган ҳолда Навоий тоғ-металлургия комбинати корхоналари ходимлари касаба уюшмаси кенгашига, 6 та мурожаат муаллифлари хабардор қилинган ҳолда тегишли идораларга юборилди.

Федерация кенгашига келиб тушган ёзма мурожаатлардан 40 таси Марказий кенгашлар, 22 таси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари, 2 таси тасарруфдаги ташкилотлар, 1 таси Навоий тоғ-металлургия комбинати корхоналари ходимлари кенгаши, 20 таси Федерация кенгашининг тегишли бўлимлари томонидан ўрганилди.

Ёзма ва оғзаки аризаларда акс эттирилган масалаларнинг 40 таси ишдан бўшаш (бўшатилиш) ёки бошқа ишга ўтиш, 11 таси хўжалик органлари, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар, 11 таси санаторий, дам олиш уйлари, даволаш-профилактика марказига йўлланмалар ажратиш, 10 таси ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, далолатномалар тузилиши, етказилган зарарлар ўрнини қоплаш, 8 таси иш ҳақи, мукофотлаш ёки меҳнатни меъёрлаштиришни ташкил этиш, 2 таси моддий ёрдам кўрсатиш масалаларига оид бўлиб, 1 таси ташаккурнома, 1 таси кундалик ҳаётда мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этишга қаратилган маслаҳат ва истаклардан иборат.

Ушбу даврдаги ёзма мурожаатларнинг 19 тасини Тошкент шаҳри, 13 тасини Самарқанд, 11 тасини Қашқадарё, 9 тасини Сурхондарё, 5 тасини Тошкент вилоятлари, 5 тасини Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқаролар ташкил этса, қолганлари Андижон, Бухоро, Навоий, Хоразм, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятларидан мурожаат қилинган.

Тармоқлар бўйича эса 14 таси Таълим ва фан, 9 таси Соғлиқни сақлаш, 8 таси Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология, 6 таси Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, 5 таси Агросаноат мажмуи, 4 таси Алоқа, 3 таси Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат, 2 таси Металлургия ва машинасозлик саноати, 2 таси Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари, 2 таси Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, 1 таси Маданият ходимлари касаба уюшмаси, 2 таси Курортлар бошқармаси, 1 таси Навоий тоғ-металлургия комбинати тизимига тааллуқли.

Юқоридагидан хулоса қилган ҳолда касаба уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари ва Марказий кенгашлари қатор муҳим вазифаларни амалга ошириши, яъни ҳудудда ва тармоқ тизимида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқилишига алоҳида эътибор қаратиши ва мазкур масаланинг жойлардаги аҳволини мунтазам таҳлил қилиб бориши ҳамда назоратга олиши, ойда бир маротаба туман, шаҳарларда фуқароларни қабул қилиш кунини ташкил этиш ва бу ҳақда аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида Республика, маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали эълонлар бериш, туман, вилоят касаба уюшма ташкилотларининг бошланғич ташкилотларда фуқароларни қабул қилиш кунини жорий этишни йўлга қўйиши лозим бўлади.

Қуйида эса ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

* * *

Айтиш жоизки, Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида аъзоларни ҳар жиҳатдан ҳуқуқий ҳимоялашни таъминлаш, уларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатилаётган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда қонунчиликда белгиланган ваколатлардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Бирлашмадан тақдим этилган маълумотга кўра, жорий йил бошидан 27 апрелига қадар бирлашмага 17 та ёзма ариза келиб тушган.

Аризалар белгиланган муддатда кўриб чиқилди. Мисол учун, фуқаро Р.Шокирова ўз ишига қайта тикланиб, Т.Юлдашевага товон пули ундириб берилди. Б.Кўрпаева ва 1-гуруҳ ногирони С.Мирзабаевваларга моддий ёрдам, қолган мурожаатлар бўйича тегишли ҳуқуқий кўмак кўрсатилди.

Шунингдек, фуқаролардан 20 та оғзаки мурожаат қабул қилинган бўлиб, пенсияга оид масалалар бўйича 10 та, меҳнат қонунчилиги бўйича 7 та ва бошқа масалаларда ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

* * *

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари ва вакилликларига шу йилнинг биринчи чорагида 69 та ёзма ва 176 та оғзаки мурожаат келиб тушган. Уларда санаторий, дам олиш уйлари ҳамда санаторий-профилакторийларга йўлланмалар бериш, уларнинг фаолиятига тааллуқли ариза ва шикоятлар сони жиҳатидан етакчи ўрин эгаллайди. Хусусан, ушбу йўналишда 44 та (21 та ёзма, 23 та оғзаки) мурожаат рўйхатга олинган. Шунингдек, касаба уюшма органларининг фаолияти, маблағлари ва мулкининг сарфланиши (20 та ёзма, 8 та оғзаки), ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтиш (9 та ёзма, 17 та оғзаки), иш ҳақига доир, мукофотлаш ёки меҳнатни меъёрлаштиришни ташкил этиш (2 та ёзма, 24 та оғзаки), иш ва дам олиш вақтлари тартибига доир (22 та оғзаки), меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби (20 та оғзаки) билан боғлиқ масалаларда ҳам мурожаатлар кўплиги кўзга ташланади.

(Давоми 2-бетда)

Ҳаракат хавфсизлиги учун

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўналишида бир қатор самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса инсонларни бевақт ҳалок бўлишдан асраш, автомобил йўллари ва кўчаларда хавфсизликни таъминлаш ишларининг сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилишига замин яратмоқда. Жумладан, куни кеча Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ҳамда жорий йилнинг 27 апрел кунидан расман кучга кирди.

Биз ушбу қонуннинг яратилиши ва моҳияти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгаришлар ҳақида фикр билдиришини сўраб Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон Сайдалиевга бир-неча саволлар билан мурожаат қилдик.

Йўл қоидаси – умр фойдаси

— Холматжон Аҳмедович, янги қабул қилинган қонун тўғрисида батафсил маълумот берсангиз.

— Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва халқимиз фаровонлигини янада яхшиланиши йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарадорлиги республикамиз автомобил саноатини ривожланиши, транспорт воситаларининг кескин кўпайиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, замонавий талаблар даражасидаги динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган транспорт воситаларининг сони ва йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкларини ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, содир этилаётган ҳодисаларнинг юзага келиши шарт-шароитларига эътиборни кучайтириш лозимлигини тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан юқоридаги қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги кун талабига тўла жавоб беради. Унга кўра, биринчидан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига (ДЙҲХХ) тааллуқли бўлган ва уларни ваколати доирасида кўриб чиқиладиган қоидабузарликларнинг аксарияти учун жарималар миқдорлари тенглаштирилиб, аниқ миқдорлари белгиланди.

Мазкур қонун тегишли идоралар билан ҳамкорликда, бу соҳадаги ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиб чиқиш, мамлакатимиздаги мавжуд амалиётга таянган ҳолда, қоидабузарликларни чуқур таҳлил қилиш асосида тайёрланди.

(Давоми 3-бетда)

Ishonch

2011-yil 3-may № 55 (2936)

Касаба уюшмалари ҳимоя қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, далолатномалар тузилиши, сабабли зарарлар ўрнини тўлдириш масалаларида 11 та (4 та ёзма, 7 та оғзаки), меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрлари қоидаларининг бузилиши, атроф-муҳит экологиясига оид 8 та (1 та ёзма, 7 та оғзаки), аёллар ва ўсмирларнинг меҳнат шароитлари, ишлаётган ва билим олаётган ёшларни, болаликни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича 8 та (оғзаки), ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш масаласида 6 та (оғзаки) аризашикоят ўрганилган. Бир қанча мурожаатларда эса аҳоли ва корхоналардан солиқлар олиниши, хўжалик органлари, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар, аҳолининг иш билан бандлиги, ихтисосни ўзгартириш, ишсизлик, маданият ва спорт муассасаларининг фаолиятига оид масалалар кўтарилган. Бундан ташқари, касаба уюшмалари фаолиятига оид бўлмаган 9 та ёзма ва 27 та оғзаки шикоят-ариза қайд этилган.

* * *

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ушбу муддатда 429 та оғзаки ва 15 та ёзма мурожаат рўйхатга олинган. Хусусан, хўжалик органлари, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар юзасидан 167 та, иш ҳақига доир, мукофотлаш ёки меҳнатни меъёрлаштиришни ташкил этиш бўйича 110 та, санаторийлар, дам олиш уйлари ҳамда санаторий-профилакторийларга йўлланмалар бериш ҳамда уларнинг фаолиятлари тўғрисида 64 та, ишдан бўшаш ёки бошқа ишга ўтиш масаласида 31 та, меҳнат дафтарчаларини юритиш тартибига боғлиқ 14 та, иш ва дам олиш вақтлари тартибига доир 20 та ҳамда бошқа масалалардаги шикоят ва аризаларни тилга олиш мумкин.

Ушбу мурожаатлар жойларда ўрганиб чиқилиб, мурожаат муаллифларига вақтида жавоб берилди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни асос бўлмоқда.

* * *

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳуқуқшуноси Т.Зоировнинг шу даврда кўриб чиқилган мурожаатлар ҳақидаги маълумотига кўра, 152 та оғзаки ва ёзма шикоят-аризадан 147 таси ижобий ҳал этилган. Жумладан, меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинган 4 нафар ходим ишга тикланган ва уларга мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақлари ундириб берилган.

Шунингдек, 50 дан ошиқ корхона-муассаса ва ташкилотларга Меҳнат кодекси талабларини амалда қўллаш юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Бундан ташқари, Қарши шаҳри ва туманларда ташкил этилган ўқув-семинарларда амалдаги қонунчиликка киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ҳақида меҳнат ҳуқуқига оид маърузалар қилинди.

* * *

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига келиб тушган 12 та ёзма ва 75 та оғзаки мурожаат белгиланган муддатда ўрганиб чиқилди. Шунингдек, ўрнатилган тартиб бўйича бирлашма раиси ҳамда ҳуқуқшуносининг турли масалалар юзасидан фуқароларнинг қабули уюштирилмоқда.

Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муаммоларини ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, зарур ҳолларда тушунтиришлар берилди.

Мурожаатларни ўрганиш натижасида ноҳақликка учраган бир неча ходимларнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинди. Жумладан, Навбаҳор туман Бандликка кўмаклашиш маркази мутахассиси Феруза Темирова, вилоят Саломатлик ва тиббий статистика институти санинструктори Гулчеҳра Насиллаева ишга тикланган бўлса, Хатирчи туман Ўсимликларни ҳимоя қилиш гуруҳи ишчиси Мусаллам Тиллаевага 4 ойлик иш ҳақи ва фойдаланилмаган меҳнат таътилларининг компенсация пуллари ундириб берилди.

* * *

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ кенгашлари ҳамда вакилликлари томонидан ариза ва шикоятларни муддатида кўриб чиқиш, аъзоларни ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатилаётган ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда қонунчиликда белгиланган ваколатлардан кенг фойдаланилмоқда.

2011 йилнинг 1-чорагида Бирлашма, тармоқ кенгашлари ва вакилликларига 27 та ёзма, 121 та оғзаки мурожаат келиб тушди.

Ишдан бўшаш ва бошқа ишга ўтиш масаласи бўйича 21 та ёзма мурожаат ўрганиб чиқилганда, бевосита касаба уюшмалари аралашуви билан 10 нафар ходим ишга тикланди. 22 нафар ходим ишга жойлаштирилди, қолганларига эса қонун талаблари асосида ишдан бўшатилганлиги ёки бошқа ишга ўтказилганлиги бўйича тушунтиришлар берилди.

* * *

Дастлабки уч ойда Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида 37 та ёзма мурожаат қабул қилинган. Уларнинг 6 таси назоратга олиниб, 31 та шикоят ҳал этилган. Эътиборли жиҳати, 124 та оғзаки мурожаатнинг барчаси ечим топди. Таҳлил шуни кўрсатадики, шикоят ва аризаларнинг аксарият қисми меҳнат қонунчилигининг бузилиши, иш ҳақи ва товон пулларини ундириш, ҳуқуқий маслаҳатлар сўраш билан боғлиқ. Уларнинг 60 фоизи агросаноат мажмуи, коммунал-маиший хизмат тармоқлари вакилларидан тушган. Таълим ва фан ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалари ходимларининг мурожаатлари ҳам кам эмас.

* * *

Ушбу муддатда Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига 251 та мурожаат тушган. Шундан 112 тасини ёзма, 139 тасини оғзаки шикоят-аризалар ташкил этади. Санаторийлар, дам олиш уйлари ҳамда санаторий-профилакторийларга йўлланмалар ажратиш, уларнинг фаолияти (17 та ёзма, 40 оғзаки), касаба уюшмалари фаолиятига оид бўлмаган (22 та ёзма, 20 та оғзаки), иш ҳақига доир, мукофотлаш ёки меҳнатни меъёрлаштиришни ташкил этиш (19 та ёзма, 18 та оғзаки), ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, далолатномалар тузилиши, етказилган зарарлар ўрнини қоплаш (12 та ёзма, 15 та оғзаки), ишдан бўшаш (бўшатилиш), бошқа ишга ўтиш (14 та ёзма, 10 та оғзаки) масалаларида мурожаатлар сони юқори бўлгани ҳолда, маданият ва спорт муассасаларининг фаолияти, аҳоли ва корхоналардан солиқлар олиниши, иш ва дам олиш вақтлари тартиби бўйича ариза-шикоятлар энг кам кўрсаткичи ташкил этади.



Суратда: ЎзКУФКнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ўрол Адилов Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассиси Дамир Эрдашев ва Федерация кенгаши девонхона мутахассиси Лидия Риязановалар билан иш жараёнида.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Шунингдек, хўжалик органлари, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар хусусида 14 та, меҳнат дафтарчаларини юритишни тартибга солиш бўйича 10 та, аҳолининг иш билан бандлиги, ихтисосни ўзгартириш, ишсизлик масалаларида 9 та, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрларининг бузилиши, атроф-муҳит экологияси бўйича 12 та, аёллар ва ўсмирларнинг меҳнат шароитлари, ишлаётган ва билим олаётган ёшларни, болаликни муҳофаза қилиш муаммоларига оид 8 та, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш масаласида 7 та шикоят-ариза кўриб чиқилган.

* * *

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига шу йилнинг биринчи чорагида келиб тушган 3 та ёзма ва 17 та оғзаки мурожаатнинг барчаси ижобий ҳал этилган. Уларнинг аксарияти аёллар ва ёшлар муаммолари, ижро интизоми, меҳнат шартномалари низолари ва бошқа масалаларни ўз ичига олади.

* * *

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига жорий йилнинг 1-чорагида фуқаролардан 94 та мурожаат тушганлиги қайд этилди. Шундан 50 та оғзаки мурожаат бўйича тегишли ёрдам кўрсатилиб, 19 та ёзма шикоят ва аризадан 16 таси ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, 25 нафар фуқаро раҳбарият томонидан қабул қилиниб, муаммоларини ҳал этишга кўмак берилди.

* * *

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам фуқаролар мурожаатларида кўрсатилган масалалар қонуний асосларда муддатида ҳал қилинмоқда.

— Йилнинг биринчи чорагида бирлашмага 14 та ёзма ариза келиб тушди, — дейди бирлашма ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Озод Отажонов. — Уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратилиб, ўз вақтида жавоб қайтарилди.

Ушбу ариза ва шикоятларнинг аксариятида ноҳақ ишдан бўшатилиш ҳолатлари қайд этилган. Шунингдек, санаторийларга йўлланма олиш, иш ҳақини ундириб бериш ва бошқа масалаларда кўмак сўралган.

Шунингдек, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгашида жорий йил 1-чорагида 12 та ёзма ва 33 та оғзаки мурожаат рўйхатга олиниб, қонуний ҳуқуқлари бузилган касаба уюшма аъзоларининг муаммолари ҳал қилинди. Мисол учун, Урганч шаҳридаги 96-махсус мактаб-интернат ходими Мавлуда Аҳмедова ўз ишига тикланди. Хонқа иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ходимлари Матлуба Ражапова, Садоқат Аллаберганова, Умида Эгамбердиева ва Хосият Қўчқорованинг жами 1 млн. 242 минг сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Бундан ташқари, вилоят кенгаши томонидан юқоридаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ва касаба уюшмаларининг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш ҳамда келгусида бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун талаби асосида иш берувчилар номига тақдимномалар киритилиб, касаба уюшма аъзоларининг мурожаатлари тўлиқ қаноатлантирилди.

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг юридик бўлимига йилнинг 1-чорагида меҳнат муносабатларига оид келиб тушган 7 та ёзма мурожаат ўз муддатида ижобий ечим топди. Жумладан, ишга тиклашда ёрдам сўраб ёзилган 4 та аризадан 2 таси юридик бўлим ёрдами билан ижобий натижа топди. Иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириш масаласидаги 1 та, меҳнат таътиллари берилмагани ҳақидаги 1 та ариза бўйича киритилган тақдимномалар қаноатлантирилди. 10 нафар фуқаронинг оғзаки мурожаатлари юзасидан ҳуқуқий маслаҳат берилди.

* * *

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига йилнинг илк ҳисобот даврида 116 та мурожаат тушган. Шундан 7 тасини ёзма, 109 тасини оғзаки шикоят-аризалар ташкил этади. Энг аҳамиятлиси, уларнинг 112 таси ижобий ҳал этилган.

Мисол учун, санаторийлар, дам олиш уйлари ҳамда санаторий-профилакторийларга йўлланмалар ажратиш, уларнинг фаолияти тўғрисидаги 3 та мурожаатдан 2 таси, иш ҳақига доир, мукофотлаш ёки меҳнатни меъёрлаштиришни ташкил этиш бўйича 9 та, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, далолатномалар тузилиши, сабабли зарарлар ўрнини қоплаш масалаларидаги 5 та шикоятнинг 4 таси, ишдан бўшаш (бўшатилиш), бошқа ишга ўтишга доир 21 та, меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби бўйича 5 та, аҳолининг иш билан бандлиги, ихтисосни ўзгартириш, ишсизлик масалаларида 1 та, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрлари қоидаларининг бузилиши, атроф-муҳит экологияси бўйича 2 та, аёллар ва ўсмирларнинг меҳнат шароитлари, ишлаётган ва билим олаётган ёшларни, болаликни муҳофаза қилиш муаммолари тўғрисидаги 4 та мурожаатдан 3 таси, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш масаласида 1 та, иш ва дам олиш вақтлари тартибига доир 7 та ҳамда касаба уюшмалари фаолиятига оид бўлмаган 55 та мурожаатдаги масалалар ўз ечимини топган.

* * *

Ушбу даврда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида 474 та мурожаат (34 таси ёзма, 440 таси оғзаки) кўриб чиқилган. Шикоятларда кўтарилган кўплаб масалалар ижобий ҳал этилишига эришилди.

Жумладан, Академик лицейлар қуриш Республика инжиниринг компанияси ходими Наргиза Загуданинг ноқонуний штат қисқартирилиши ҳақидаги шикояти бирлашма кенгаши ҳуқуқшунослари томонидан жойида ўрганилганда, унда айтилган ҳолатлар асосли деб топилиб, компания маъмуриятига тақдимнома киритилди. Натижада штат қисқартирилиши туфайли ишдан бўшатилган 13 нафар ходим лавозимига тикланди. Шунингдек, «Вимм Билл-Данн» хорижий корхонаси ходимлари К.Жумабоев, А.Рихсиевнинг иш берувчи томонидан ишчиларга ўтган йил сентябр ойидаги иш ҳақи берилмаётганлиги бўйича мурожаати, корхонада касаба уюшмаси тузилмаган бўлса-да, эътиборсиз қолдирилмай, ҳуқуқ-тартибот органига хат билан юборилди. Бундай мисоллар фаолиятда кўплаб учрайди.

Ариза ва шикоятларнинг 5 таси Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги, 1 таси «Ўзметмашсаноат» касаба уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар кенгашлари, 97 таси Агросаноат мажмуи, 14 таси Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, 31 таси Савдо ходимлари ва тадбиркорлар, 14 таси Маданият, 5 таси Енгил, мебел саноати, коммунал-маиший хизмат, 85 таси Соғлиқни сақлаш, 9 таси Таълим ва фан, 11 таси Ёқилғи-энергетика, кимё саноати ва геология ходимлари шаҳар касаба уюшмаси кенгашлари, 13 таси Қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касаба уюшмаси МКнинг шаҳар вакиллиги, 18 таси «В.П.Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти КУҚ, 17 таси Ўзбекистон Фанлар академияси БКУҚ тизимидаги муассаса ва ташкилотларда ишловчилардан тушган.

Мазмунига кўра, уларнинг 4 таси ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, 4 таси хўжалик органлари, мансабдор шахслар фаолиятидаги камчиликлар хусусида, 96 таси иш ҳақига доир, мукофотлаш ёки меҳнатни меъёрлаштиришни ташкил этиш, 13 таси меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби, 20 таси ишдан бўшаш, бошқа ишга ўтиш ҳақида, 2 таси аҳолининг иш билан бандлиги, ихтисосни ўзгартириш, ишсизлик, 12 таси иш ва дам олиш вақтлари тартибига доир, 15 таси меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрлари қоидаларининг бузилиши, атроф-муҳит экологияси бўйича, 3 таси аёллар ва ўсмирларнинг меҳнат шароитлари, ишлаётган ва билим олаётган ёшларни, болаликни муҳофаза қилиш муаммолари, 10 таси ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, далолатномалар тузилиши, етказилган зарарлар ўрнини қоплаш, 11 таси санаторийлар, дам олиш уйлари ҳамда санаторий-профилакторийларга йўлланмалар бериш, уларнинг фаолияти тўғрисида, 5 таси маданият ва спорт муассасаларининг фаолияти, 38 таси касаба уюшма органларининг фаолияти, маблағлари ва мулкининг сарфланишига оид ҳамда 87 таси бошқа, жумладан, касаба уюшмалари фаолиятига оид бўлмаган масалалардаги мурожаатлардир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари истиқлолнинг 20 йиллигига

Кеча ва бугун

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)да таҳсилни тугаллаб, чет элга таржимон сифатида йўл олдим. Араб мамлакатларидан бирида иш бошладим. Кечаги ғўр талаба учун бу жуда катта ҳаёт мактаби эди. Мени кўп ҳайратга солган нарса биз борган давлатнинг ҳар бири сиёсий, иқтисодий масалани ўз имконияти даражасида ва ўз иродаси, кучи билан ҳал қилиши эди. Ҳатто, шу ерга оддий таржимон сифатида ишга келиш учун ҳам Москванинг розилигини олиш зарур бўлган биз учун бу жуда ажабланарли, ҳавас қилса арзигулик ҳодиса эди, ахир! Шу мамлакатда икки-уч йил меҳнат қилдим. Ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имконига эга бўлган халққа улкан ҳавас билан, ўша йиллари амалга ошириш хом хаёлдай туюлган орзуларни юракка туккан ҳолда юртимга қайтиб келдим...

Юртбошимиз юксак минбардан туриб ватан мустақиллигини тантанали тарзда эълон қилган онлари ўша юрт, ўша одамлар, уларнинг ўзга халққа муте-ликдан холи қиёфалари хаёлимдан ўтди, мустақил-ликдек буюк неъматга шукроналар айтдим. Мана ўша муборак кунларга ҳам йигирма йил тўляпти. Ўзбекистон шонли йўлни босиб ўтди. Юртимизнинг халқаро майдондаги бугунги обрў-эътибори унинг юксак салоҳиятидан дарак беради. Биргина ўзим меҳнат қилаётган соҳага назар солсак ҳам бунга ишонч ҳосил қиламан. Чунки бу борадаги бемисл ижобий ўзгаришлар гувоҳи, иштирокчисиман.

Фарғона вилоятида 700 минг нафарга яқин касаба уюшма аъзолари бор. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишда жамоа шартномалари асосий восита ҳисобланади. Ҳозирги кунда мулкчилик шакли ва ходимлар сонидан қатъи назар вилоятдаги барча юридик шахс мақомига эга корхоналарда жамоа шартномалари тузилишига катта эътибор қаратилмоқда. Фарғона вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш бўйича 2009-2011 йиллар учун уч томонлама келишув тузилган. Тармоқ келишувлари асосида эса вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда 12685 та жамоа шартномаси қабул қилинди. Унда кўзда тутилган шартларнинг бажарилиши ҳисобига ҳар бир касаба уюшмаси аъзосининг манфаатдорлик даражаси 2010 йилда ўртача 370 минг сўмни ташкил этди.

Касаба уюшма ташкилотлари истиқлол йиллари аҳоли бандлигини таъминлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш борасида ҳам арзигулик тадбирларни амалга оширди. Жойлардаги мавжуд бўш иш ўринларини таҳлил қилиш, ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этиш, уларга фуқаролар ташрифини уюштириш, бундай ярмаркаларда тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва вакилликларининг фаол иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратиб келиняпти.

Айни пайтда меҳнаткашларнинг моддий-маънавий манфаатларини муҳофаза этиш касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади. Масалан, ўтган йили иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этиш борасида касаба уюшмалари томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида фуқароларнинг 10856,5 миллион сўмдан зиёд иш ҳақлари ундириб берилди. Жамоатчилик назорати ташкил этилиб, 2051 та текшириш ўтказилди. 563 та тақдимнома, 344 та талабномалар киритилди, 422 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди. Фуқаролардан тушган ариза ва шикоятларнинг 95 фоиздан ортиғи мутахассисларимиз томонидан ижобий ҳал этилди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлаш, соғломлаштириш, маданий-маърифий савиясини юксалтириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Болалар оромгоҳларини молиялаштириш, таъмирлаш ишларига катта миқдорда маблағ сарфланди. Жойларда касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Бу азиз Ватан барчамизники», «Ўзбекистонни ҳеч қачон, ҳеч кимга бериб қўймаймиз», «Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш» каби ўнлаб тадбирлар ёшларга ватанпарварлик туйғусини сингдириш, фуқароларимизни истиқлолга эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили касаба уюшма ташкилотлари олдига ҳам янги вазифалар қўйди. Ҳозирда иш ўринлари ташкил этиш борасида ҳар ойда ҳамкорликда мониторинг олиб борилмоқда, унинг натижалари бўйича қўшимча меҳнат ярмаркалари ўтказиляпти. Ходимлар, талабалар ва ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини юксалтириш учун ўқув-семинар, давра суҳбатлари ташкил этиляпти. Иш берувчилар томонидан амалдаги Меҳнат Кодекси талабларига мос меҳнат шартномалари тузиш назорат қилиб борилмоқда. Уларнинг амалдаги қонунлар талаби асосида фаолият юритиши касаба уюшмалари диққат марказида.

Касаба уюшма аъзоси айни пайтда фуқаролик жамиятининг ҳам фаол қатнашчисидир. Фуқаролик жамиятининг шаклланиш ва ривожланиши, инсон ҳуқуқларини таъминланиши касаба уюшмаси аъзоси учун олий қадриятдир. 22-23 апрел кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция барчамизда катта таассурот уйғотди. Конференцияда қатнашган баобрў чет эл экспертлари таъкидлаганидек, Концепциянинг барча олтита йўналиши ниҳоятда қимматлидир. Халқаро ҳамжамият уларнинг ҳар бирида белгилаб берилган Ўзбекистон тажрибасини чуқур ўрганмоғи зарур. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, энг аввало, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш ётади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги давлат томонидан белгиланган шарт-шароитларни юзага чиқаришда касаба уюшма аъзолари меҳнати муҳим омил ҳисобланади.

Қарангки, мен хизмат қилган араб давлати ўшанда мустақилликнинг йигирма йиллигини нишонлаётган эди. Бугун ўша пайтдаги уларнинг иқтисодий-сиёсий, маънавий ҳолати билан ўз истиқлолимизнинг йигирма йиллигини нишонлаётган жонажон Ўзбекистонимиздаги вазиятни қиёслар эканман, юртимиз ўтган вақт ичида юз йиллар давомида эришиш мумкин бўлган тараққиётга юз тутганига амин бўламан. Ҳа, Ўзбекистон йигирма йил ичида эришган ютуқларга жаҳон бежиз қойил қоладётгани йўқ. Мамлакатимиз тарихан жуда қисқа муддат ичида оламшумул ютуқларга эришди. Унинг келажаги ҳам буюкдир.

Анвар ЮНУСОВ,
Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Ishonch
2011-yil 3-may № 55 (2936)

Йўл қоидаси — умр фойдаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар талабидан келиб чиққан ҳолда тизимимизни янада такомиллаштириш, соҳага оид қонунларни либераллаштириш, фуқароларимизга, айниқса, ҳаракат иштирокчиларига қулайликлар яратиш, уларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида ҳам изланишлар олиб бораяпмиз. Жумладан, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси»га 2006, 2007 ва 2008 йилларда **телефондан фойдаланиш; хавфсизлик камаридан фойдаланиш; монитордан фойдаланиш ёки ўзбошимчалик билан дисплей ўрнатиш** каби қоидабузарликлар учун жавобгарлик бўйича киритилган бир қатор янги нормалар ўзининг ижобий самарасини бериб, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига ижобий таъсир кўрсатди.

Қабул қилинган янги қонун ҳам ана шу ишларимизнинг мантиқий давомидир. Бир сўз билан айтганда, бу қонун энг аввало ҳаракат иштирокчиларининг қонунлар олдидаги масъулиятини оширишга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қоидабузарликларни камайтириш ва шу орқали инсонларнинг бевақт ҳалок бўлиши ва жароҳатланишининг олдини олишга йўналтирилган.

— Қонундаги асосий янгиликлар, айтиб ўтганингиздек, ҳаракат иштирокчиларига яратилган қулайликлар нималардан иборат?

— Умуман олганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 28 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 15 та амалдаги нормалар таҳририй ўзгартиришлар, ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда киритилган 5 та янги норма билан мустаҳкамланди. 17 та модданинг санкциясида кўрсатилган жарима миқдорлари мувофиқлаштирилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун билан йўл ҳаракати қоидабузарликларининг аксарияти учун ягона жарима миқдорлари белгиланди.

Кодекснинг 15 та моддасидаги йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима миқдорлари, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддатлари узайтирилди. Айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди. Жумладан, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автобус ҳайдовчиларининг масъулиятини ошириш, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида 125-модда янги тўртинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, эндиликда шаҳарлараро, халқаро йўловчи ташишни амалга оширадиган автобуслар тахографларсиз ёки уни ўчирган ҳолда бошқарилса, ҳайдовчига нисбатан маъмурий чора кўрилиб, **республикамиздаги энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида** жарима солинишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, Кодексга — юк ташиш ва шатакка олиш қоидаларини бузиш, деган қўшимча модда киритилиб, **янги 125¹-модда билан тўлдирилди.** Сабаби, йўл ҳаракати қоидаларининг 23,26,28-бандларида юкларни ташиш ва механик транспорт воситаларини шатакка олиш қоидалари кўрсатилган бўлиб, Кодексда бу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик назарда тутилмаган эди. Жавобгарлик бўлмаганлиги сабабли охирги вақтларда йўлларда юкларни ташиш ва механик транспорт воситаларини шатакка олиш билан боғлиқ қоидабузарликлар кўпайиб, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган эди. Кодексда бундай ҳуқуқбузарликлар **энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида** жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Тегишли рухсатномасиз оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли юкларни ташиш ва юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш, шунингдек, рухсатномада кўрсатилган ҳаракат йўналишидан четга чиқиш, фуқароларга **энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга**, юк ташиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга эса **энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима** солишга сабаб бўлади.

Қонунга киритилган асосий ўзгаришлардан бири, бу 128-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кўпол қоидабузарликлар учун жавобгарликнинг алоҳида моддаларда акс эттирилганлигидир. Масалан, бу қонун қабул қилингунга қадар ушбу модданинг биринчи қисмида ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини пиёдалар йўлкасидан юргизиши, йўл белгилари ва ЙҲҚнинг бошқа талабларига риоя этмаслиги учун жавобгарлик назарда тутилган эди. Бунда қўпол ва кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар учун бир хил таъсир чораларини қўллаш билан бир вақтда ҳаракат тезлигини ошириб юбориш ва светофорнинг тақиқловчи белгиларига бўйсунмаслик каби ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилиги инобатга олинмаган эди.

Қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқбузарликларни фарқлаш, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигига жиддий раҳна солувчи айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида ушбу модданинг биринчи қисмидаги ҳаракат тезлигини ошириб юбориш, светофорнинг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслик, тўсиқсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга транспорт воситаларининг ўтиб кетишига халақит бериш ёхуд авария ҳолати юзага келишига сабаб бўлиши учун қўлланиладиган чоралар алоҳида ажратилиб, Кодекс 128³, 128⁴, 128⁵ ва 128⁶-моддалар билан тўлдирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 128³-моддада ҳаракат тезлигини ошириб юборганлик учун жавобгарлик қай даражада тезликни ошириш миқдорига қараб белгиланади. Яъни ҳайдовчи белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ бўлмаган катталикда ошириб юборса **энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида**, соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан ортиқ бўлмаган катталикда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши **энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида**, соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши **энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида,** соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши **энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима** солишга ёки транспорт воситасини **бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга** сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши **энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима** солишга ёки транспорт воситасини **бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум этишга** сабаб бўлади.

Энг асосийси, ушбу ўзгартиришлар қонунчиликни либераллаштириш принципларига ҳам тўла мос келади. Жумладан, аввал бир моддада баён этилган ҳуқуқбузарликлар учун такрорийлик унинг қайси бири содир этилганлигидан қатъи назар ҳисобга олинарди, эндиликда эса айнан содир этилган қоидабузарликнинг такрорийлиги инобатга олиниши белгиланди. Ўйлайманки, бу билан кўплаб ҳайдовчиларнинг талаб ва истаклари қондирилишига ҳам эришилади.

— Маълумки, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари кўпинча транспорт воситасини спиртли ичимликдан маст бўлган ҳолда бошқариш вақтида юзага келади. Кодексда бу қоидабузарликка нисбатан қандай чора қўллаш кўзда тутилган?

— Йўлларимизда турли хил кўнгилсизликларнинг содир бўлмаслиги, ҳайдовчи, йўловчи ва пиёдаларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминланиши асосан «Йўл ҳаракати қоидалари»га қатъий амал қилишга, ҳайдовчи ва пиёдаларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишларига боғлиқ. Яна шуни унутмаслик керакки, ҳар бир ҳайдовчи нафақат транспорт воситасининг бошқарувчиси, балки шу билан бирга, ҳаракатланиш хавфсизлиги учун жавобгар шахс ҳамдир. Афсуски, айрим ҳайдовчиларимиз баъзи ҳолларда ўз олдиларидаги ана шу масъулиятни унутиб қўядилар, транспорт воситасини йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, маст, ширакайф ҳолда бошқарадилар. Бу эса жуда ҳам ачинарли ҳодисаларни келтириб чиқариши ҳеч биримизга сир эмас. Масаланинг мана шу ижтимоий хавфли бўлган томонларини инобатга олган ҳолда ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши учун қўлланиладиган жазо чораси кескин кучайтирилди. Эндиликда бундай ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан **бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этиш** жазоси қўлланилади. Шунингдек, ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, **энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш сутка-гача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.**

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган (Кодекснинг 131-моддаси) ёки тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган (Кодекснинг 136-моддаси) ҳуқуқбузарларга нисбатан шу кунгача қўлланиб келинган жарима жазоси олиб ташланиб, фақат транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазосини қўллаш кўзда тутилган.

— Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши билан боғлиқ қоидабузарликка нисбатан қандай чора кўрилади?

— Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши **энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида** жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шу қоидабузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, **энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида** жарима солинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш **энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги** жарима билан жазоланади.

— Транспорт воситасини бошқариш вақтида уяли алоқа воситасидан фойдаланиш, хавфсизлик камарини тақмаслик каби қоидабузарликлар учун белгиланган жарималар миқдори ҳам ўзгардими?

— Агар ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш вақтида уяли алоқа воситасидан фойдаланса, унга нисбатан **энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида** жарима солинади. Маъмурий чора қўлланилганидан кейин бир йил давомида транспорт воситасини бошқариш вақтида телефондан фойдаланиш қоидаси такроран бузилса **энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида** жарима солинишига ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 6 ойгача муддатга маҳрум этилиши каби чора қўлланилади.

Транспорт воситасини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан, мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилмаса **энг кам ойлик иш ҳақининг бешдан бир қисми миқдорида** жарима солинади.

— Шу ўринда кўпчиликни қизиқтирадиган яна бир савол. Жаримани жойида ундириш механизми қандай бўлади, мана шу масалага ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Янги қабул қилинган қонунга асосан ЙПХ инспекторлари томонидан фақат энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ошмайдиган жарима назарда тутилган, яъни Кодекснинг 125-моддаси 1 ва 2-қисмлари, 128-модданинг 1 ва 2-қисмлари, 128²-модданинг 1-қисми, 128³-модданинг 1-қисми, 138-модданинг 1, 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун жойида жарима ундирилиши мумкин. Бунда такрорийлиги инобатга олинадиган ҳуқуқбузарликлар учун ҳайдовчига жойида жарима қўлланганлиги ҳақида ҳайдовчилик гувоҳномаси талонига ручкада белги қўйилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳозирги кунда ЙПХ инспекторлари билан ҳаракат қатнашчилари ўртасидаги мулоқотни имкон даражасида чеклаш, турли хилдаги суистеъмолчиликларни, баҳс ва эътирозларни юзага келтирувчи ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жойида жарима ундириш механизмига ўзгартиш киритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам тайёрланди. Ушбу қонун лойиҳасида ЙПХ инспекторларига фақатгина қоидабузар пиёдаларга нисбатан жойида жарима қўллаш ваколатини қолдириш таклиф этилмоқда.

Жарималарни ундириш ҳақида гапирар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агарда ҳуқуқбузар қонунда белгиланган 15 кун муддатда жаримани тўламаган бўлса, жарима ундириш тўғрисидаги қарор жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Агарда ҳуқуқбузар вақтинча ишсиз бўлса ёки унинг иш ҳақи ёки даромадидан жаримани ундириб олишнинг имконияти бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочилари томонидан амалдаги қонунларга асосан амалга оширилади.

— Энди айтинг-чи, бундай ўзгаришлар ва қўшимчалар киритишнинг сабаби нима?

— Бунинг асосий сабаби, энг аввало, олдинги солинаётган жарима миқдорларининг камлиги ёки оғирроқ жазо турларининг кўзда тутилмаганлиги, шунингдек, фуқароларимизнинг қонунларга нисбатан эътиборсизлиги, уларда жазодан осонгина қутилиш кўникмаси ҳосил бўлганлигидадир.

Шунга кўра бугун ушбу масалага алоҳида урғу бериб қараш лозим бўлиб қолди. Боиси, сўнгги йилларда табиатнинг энг буюк мўъжизаси ҳисобланмиш инсон, ўзининг ақл-идроки, илмий ва техникавий изланишларининг меваси бўлган, инсоннинг узоғини яқин, оғирини енгил, турмушини фаровон этиш мақсадида яратилган қулайликнинг, яъни транспорт воситасининг қурбонига айланиб бормоқда. Транспорт воситасидан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик, «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этмаслик, аксарият ҳолларда унинг талабларини билмаслик оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқармоқда. Бу ҳодисалар эса оилаларга бахтсизлик ва кулфат олиб кираяпти. Кимдир отасидан, бошқа биров онасидан, яна кимлардир севимли фарзандидан бевақт жудо бўлиб, айрилиқ азобини тортмоқда.

Албатта, бу йўқотишлар нафақат битта оилага, балки жамиятимизга ҳам катта зарар келтираяпти. Агар маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, ер курасида йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳар бир дақиқада 3 та одам ўлиб, 76 та одам турли тан жароҳатлари олар экан. Бир кунда ҳалок бўлаётганлар сони эса 4 мингтадан ошиб кетаяпти.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, қонунларни такомиллаштириш, айрим қоидабузарликлар учун қўлланиладиган жазо чораларини уларнинг жамиятга етказадиган ижтимоий-иқтисодий зарарларини инобатга олган ҳолда белгилаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини кучайтириш, улар билан муросасиз курашиш вақти етиб келди.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кам аҳамиятли ҳуқуқбузарлик учун шахсни жавобгарликдан озод қилиш ва ҳуқуқбузарга енгилроқ жазо чорасини қўллаш тартибига ўзгартиш киритилиб, Кодекснинг 21 ва 33-моддалари фақат судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланди.

Айтиб ўтганларимиздан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига яна бир қатор бошқа ўзгариш ва янгиликлар ҳам киритилдики, уларнинг барчаси ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган. Ўйлайманки, ҳаракат иштирокчилари интизомлари, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишлари билан хавфсизликни таъминлашдек шарафли ишга ўзларининг муносиб улушларини қўшадилар.

Суҳбатдош: Мансуржон РИХСИЕВ

Суратларда: Тошкент шаҳар ИИБ ЙҲХБ ИПХБ 1-дивизион 1-сафарбар мобил гуруҳ инспектори кичик сержант Санжар Султонмуродов.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Солиқ идораларида

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бекаму-кўст тўлдириш, асосан, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Маҳаллий корхоналарга имтиёзлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айнан шу йўналишда олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштирди дейиш мумкин. Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан мазкур қарор ижроси юзасидан кўплаб хўжалик субъектларига имтиёзлар қўлланмоқда. Бу эса уларнинг иқтисодий кўрсаткичларини ошираяпти.

Жумладан, асосан гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Deka Molprom», «Daroqat go'sht», «Burgut Plus», «Muxiddinov F.P.» корхоналарига мазкур қарор асосида бир қанча имтиёзлар берилди. 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида ушбу корхоналарнинг маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми 6553327,7 минг сўмни ташкил этгани ҳолда, қарор шарофати ила солиқ 229368,1 минг сўмдан ошмаган. Мазкур корхоналарда шу муддат ичида қўшимча 28 та иш ўринлари яратилиб, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, кенгайтириш ва илғор технологияларни жорий этиш ҳамда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида 229368,1 минг сўм сарфланган.

Ўрол РАҲМОНОВ,
Мирзо Улуғбек тумани ДСИ шўъба бошлиғи

Тараққиётга хизмат қилмоқда

Президентимизнинг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан Олмазор тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан аниқ режа асосида иш олиб борилмоқда.

Мазкур ҳужжатга асосан, ишлаб чиқаришга янги технологик жиҳозларни жорий этган микрофирма ва кичик корхоналар учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик асбоб-ускуналар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтиришга рухсат берилди.

Олмазор тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган «JAKO INDUSRIAL GROUP» қўшма корхонаси ҳам 2010 йили ўз маблағлари ҳисобидан 1 976 209,5 минг сўмлик янги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари харид қилиб, 27 469 минг сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган. Корхона ихтиёрида қоладиган солиқ имтиёзлари эса келгусида янги иш ўринларини яратишга ва корхонанинг моддий техника базасини кенгайтириш учун сарфланмоқда.

Рустам НОСИРОВ,
Олмазор тумани ДСИ шўъба бошлиғи

Қонунбузилишлар бартараф этилди

Савдодан тушган пулнинг назорат касса машинасидан ўтказилмаслиги, сифатсиз маҳсулотларнинг сотувга қўйилиши нафақат истеъмолчилар манфаатига путур етказади, балки иқтисодиётга ҳам катта зарар келтиради. Нақд пулнинг ноқонуний айланишига йўл очиб беради.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Янгийўл тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2011 йилда жами 36 та хўжалик юритувчи субъектларда қисқа муддатли текширув ўтказилди. Унга кўра, бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди.

Жумладан, Янгийўл тумани Ниёзбоши ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Шокарим ният файз» ХКга қарашли спиртли ичимликлар билан савдо қилиш дўконида ўтказилган текширувда сотувчи харидорга бир дона «Полярная» ароғи учун 3 600 сўмга чек ёки унга тенглаштирилган махсус квитанция бермагани аниқланди. Бундан ташқари, савдодан тушган 68 100 сўм нақд пул НКМ хотирасига кирим қилинмагани, дўконда ўрнатилган НКМ Давлат стандартидан ўтмагани маълум бўлди. Шунингдек, савдога қўйилган 14 хил турдаги, жами қиймати 367 700 сўм спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида вақтинча сотувдан олиб қўйилиб, юк хати орқали махсус дўконга топширилди.

Жорий йилнинг 4 феврал куни Янгийўл шаҳар ҳудудида жойлашган «Bella-milano» ХКда ўтказилган текширувда корхона раҳбари Абдувоҳид Абдураҳимов томонидан ноқонуний, ҳеч қандай ҳужжатларсиз макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, бу ерда 2010 йилнинг сентябр-декабр ойларида 73,8 тонна макарон ишлаб чиқарилган бўлиб, уни сотишдан тушган 103 300 минг сўм нақд пул банк муассасасига топширилмаган.

А. МИРЗАЕВ,
Янгийўл туман ДСИ шўъба бошлиғи

Ishonch
2011-yil 3-may № 55 (2936)

Намангандa кўришгунча хайр, «Баркамол авлод»!

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Она шаҳрим Термизда илк маротаба ўтказилган «Баркамол авлод — 2011» республика спорт ўйинларида Сурхондарё вилояти ёшларининг умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашига ҳисса қўшганим билан фахрланаман, — дейди шахмат беллашувлари ғолибаси Райҳона Дониёрова. — Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ва эътиборининг амалдаги ифодаси — Термиз шаҳрида қад ростлаган замонавий спорт иншоотлари навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

«Баркамол авлод» — Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш мақсадида ўқувчи ва талабаларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб этишга қаратилган уч босқичли спорт

тизимининг ўрта бўғинидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёшларга нафақат жаҳон стандартлари асосида билим бериш, балки уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб етишиши учун шарт-шароит яратишдан иборат. Зеро, спорт навқирон авлод вакилларида юксак маънавият, кучли ирода, ғалабага интилиш, ҳалоллик, ватанпарварлик каби олижаноб фазилатларни тарбиялайди.

«Баркамол авлод — 2011» мусобақалари жисмоний тарбия ва спорт ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётий эҳтиёжига айланиб бораётганини яна бир бор намоён этди. Олимпия тамойилларига қатъий риоя қилинган, холислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, рақибга ҳурмат каби қадриятлар бош мезон бўлган беллашувларда иштирокчиларнинг кўрсаткич ва натижалари тобора ўсиб бораётгани қайд этилди, кўплаб янги рекордлар ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз спорт захираси иқтидорли ёшлар билан тўлиб бораётганининг яна бир далилидир. Зеро, бугунги кунда халқаро спорт майдонларида, Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган маҳоратли спортчиларимизнинг аксарияти илк бор ўқувчи ва талабалар ўртасидаги ана шундай мусобақаларда кашф этилган.

Термиздаги мусобақалар нафақат Ўзбекистон спорти ҳаётида катта воқеа, балки барча жабҳаларда эришаётган ютуқлари билан мустақил Ватанимиз шарафини улуғлашга қодир ёшларимизнинг том маънодаги ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди. Ўзбекистонимизнинг умидли спортчилари, ёш олимларимиз, санъат намояндаларининг улкан муваффақиятлари халқаро майдонда юртимиз обрў-эътиборини янада юксалтирмоқда, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни вояга етказаётган мамлакатимиз ва халқимизни бутун дунёга янада кенг танитмоқда.

«Баркамол авлод — 2011» дастури доирасида спорт мусобақалари билан бир қаторда кўплаб маданий тадбирлар — таниқли спортчилар, ёзувчилар, санъат арбоблари билан учрашувлар, қадимий ва навқирон Термиз шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар, турли шоу-концертлар ташкил этилди.

...Стадион узра майин мусиқа садолари янграйди. «Баркамол авлод — 2011» республика спорт ўйинларининг байроғи туширилади. Уни сурхондарёлик ёш спортчилар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Наманган вилояти вакилларига топширади.

— Навбатдаги «Баркамол авлод» мусобақасининг финал босқичи Наманган вилоятида ўтказилиши биз учун юксак шарафдир, — дейди белбоғли кураш бўйича кумуш медал соҳиби, наманганлик Дилшод Мирзаахмедов. — Уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг ўрта бўғини — «Баркамол авлод» спорт мусобақаси Наманган вилоятида ҳам юксак савияда ўтишига ишонамиз.

«Баркамол авлод — 2011» спорт ўйинларининг машъаласи аста-секин ўчирилади. Бироқ у мусобақалар қатнашчилари қалбига жо бўлган, уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, янги ва янада улкан ютуқларга чорлайверади.

«Баркамол авлод — 2011» ўйинларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

«Баркамол авлод — 2011» ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Эркинлик ва масъулият муштараклиги

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бугун юртимизда 1 минг 226 оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 649 таси нодавлат секторга тегишлидир.

Президентимиз Ислом Каримов таклиф этган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Уларнинг амалга оширилиши эса фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш учун имкон яратиш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Бу жараёнда журналистларнинг маҳорат ва истеъдодини ошириш, уларда танқидий фикрлаш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, соғлом ижодий рақобат муҳитини қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу йил олтинчи маротаба «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танлов давр шиддати билан ҳамнафас яшаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва юксак самараларини, жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни халқимизга тезкор, холис ва ҳаққоний етказаётган журналистлар меҳнатининг ўзига хос эътирофидир.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни арафасида ўтказилган мазкур танлов Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланди. Телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси йўналишларидаги ушбу танловга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2010 йилда танловда 451 журналист 6,7 мингдан ортиқ ижодий иши билан қатнашган бўлса, бу йил танлов ҳайъатига 562 журналистдан 7,7 мингдан ортиқ ижодий иш тақдим этилди.

Танловнинг бош миллий мукофотини қўлга киритган Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг «Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивали лойиҳаси (раҳбари Фирдавс Абдухолиқов) махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, даврий матбуот ва интернет журналистикаси йўналишлари бўйича ғолиблари ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, БМТ, Жаҳон банки, ЮНЕСКО сингари халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз мукофотларини топширди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз журналистикаси ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида қалам аҳлининг эл-юртимиз олдидаги ҳурмати тобора ошиб бормоқда, — дейди «Еркин Қарақалпақстан» газетаси бўлим муҳаррири Пухарбай Тлеумуратов. — Юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги кенг кўламли ўзгаришларни оммага тезкорлик билан етказиш юзасидан кўплаб материаллар тайёрлаб, сайтимизга изчил қўйиб бораётирмиз.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА мухбири

Хушхабар



«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Рустам Давлатовнинг журналистика соҳасида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти халқаро танловида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мавзусини ёритгани учун» Жаҳон Банкининг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлгани жамоамизни хурсанд қилди. Ҳамкасбимизни ушбу мукофот билан қутлаган ҳолда ижодий фаолиятида бундан-да катта ютуқларни қўлга киритишига тилак билдирамиз.

Бухорода «Асрлар садоси»

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорода 30 апрел-1 май кунлари унутилмас тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда вилоят ҳокимининг 2011 йил 9 апрелдаги қарорига асосан Бухоро вилоятида «Асрлар садоси — 2011» анъанавий маданият фестивали юксак савияда якунланди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган ушбу анжуман ўзлигимизни яна бир карра дунё узра намоён этди.



Мустақиллик йилларида келажаги буюк халқимиз барча соҳаларда, хусусан, умуминсоний аҳамиятга молик қадриятларни, урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш ҳамда ривожлантиришда улкан муваффақиятларга эришди. Уларни тарғиб қилиш, ёш авлодни миллий меросимизга ҳурмат, бой тарихимизга нисбатан фахр туйғулари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Фестивал тадбирлари қадимий Арк қалъасидан бошланиб, мафтункор Лабиҳовуз мажмуасига қадар ҳудудда давом этди. Байрам дастури халқ сайиллари билан бошланди. Халқимизнинг анъаналари, урф-одатлари, этнографияси саҳна кўринишларида намоён бўлди. Мамлакатимизнинг турли бурчагидан ташриф буюрган фолклор жамоалари ўз воҳалари маданияти ва санъатини намойиш этишди.

Тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар декоратив-амалий санъат асарлари ярмаркасида истиқлол шарофати билан қайта тикланган ҳунармандчилик турлари — заргарлик, зардўзлик, ўймакорлик, касаначилик, гиламчилик, темирчилик, кулолчилик намуналари билан танишдилар.

Маълумки, Бухоро меъморий тарихий ёдгорликларининг довруғи етти иқлимга маълум. Ҳали бу кўҳна заминнинг ўрганилмаган осори-атиқалари беҳисоб. Яқинда археологлар IX-X асрларга мансуб Моғани Аттор обидасини ўрганиш жараёнида турли даврларга мансуб ёдгорлик қолдиқларига дуч келишди...

Бой ўтмишимиз ҳақида гап кетар экан, «Бухоро тарихи» мавзусида ташкил этилган замонавий санъат кўргазмаси, «Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар» китобининг тақдимоти хусусида сўз юритмай бўлмайди. Фестивал дастури доирасидаги тадбирлардан бири қадимий Нодир Девонбеги хонақосида бўлиб ўтди. Бу ерда хаттотлик санъати мутахассиси, Доито Бука университети (Япония) профессори Коичи Хонданинг «Бухорои Шарифга бағишлов» деб номланган кўргазмаси очилди. Унда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эван Эснал сўз олиб, умумжаҳон маданий мероси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган қадимий Бухоро шаҳрида шундай кўргазманинг очилиши рамзий маъно касб этишини таъкидлади. Негаки қадимий шаҳарнинг ҳар бир обидасида ана шундай хаттотлик санъатининг гўзал намуналарини учратиш мумкин.

Ўзбек миллий таомлари асрлар давомида шарқу ғарбда шуҳрат қозониб келгани ҳеч кимга сир эмас. Бу — аждодларимиз юксак маҳоратининг яна бир ёрқин намунасидир. «Асрлар садоси» тантаналари масхарабозлар, раққосаю созандалар маҳорати барчани мамнун этди.

Фестивал дастури ранг-баранг эди. Ундан ўрин олган «Кинофестиваллар — ҳозирги замон дунё маданиятининг яққол намунаси» мавзуига бағишланган давра суҳбати, миллий халқ ўйинлари, зираворлар кўргазмалари, кураш мусобақалари, миллий либослар намойишлари, хўроз жанги, қўчқор уриштириш ўйинлари каби томошалар фестивал иштирокчилари ҳамда хорижлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Фестивалда турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилган бахшилар — қашқадарёлик Раҳимбобо Хўжамқулов, сурхондарёлик Бахшиқул Тоғаев, қорақалпоғистонлик Бахтиёр Есемуратов, Сурхондарёнинг «Дашнобод анори», Хоразмнинг «Хоразм», Қорақалпоғистоннинг «Аму тўлқини», Фарғонанинг «Чодир жамол», Сирдарёнинг «Камалак», Бухоронинг «Миришкор», «Ворданзи наволари» фолклор жамоалари, ҳунармандлар – бухоролик Феруз Жўраев, Нурмуҳаммад Султонов, Мавлуда Назруллаева, тошкентлик Бахтиёр Раҳимов, Баҳодир Ҳожиметов, ошпазлар – бухоролик Умар Латипов, хоразмлик Алишер Рўзметов каби ўз касбининг усталарига диплом ва совринлар топширилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Toshev

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
N. Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

O'zbekiston Mattbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taboq.

Босишга топшириш вақти - 21. 00
Топширилди -22. 20

Буюртма Г — 551

20225 nusxada bosildi

2345